1-бетда

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

## КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАЛАРИДА СТАНДАРТЛАР БЎЛИШИ КЕРАК

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 30 июндаги 193-сон қарори билан Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга** *(Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сон қарори билан тасдиқланган)* **ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Чунончи, эндиликда туман (шаҳар) ҳокимликлари хўжаликлар билан тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида давлат эҳтиёжлари учун шартномалар тузилиши ва бажарилиши бўйича ишларни мувофиқлаштирадилар.

Давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилиш юзасидан тузиладиган контрактация шартномаларида олдин белгиланган талаблардан ташқари шунингдек маҳсулотларнинг сифатига қўйиладиган стандартлар, техник шартлар ва бошқа талаблар ҳам кўрсатилиши керак. Тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари шартнома рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб 2 кун муддатда хўжаликларга рўйхатдан ўтказилган шартноманинг бир нусхасини имзоланган ҳолда беришлари шарт *(олдин хўжаликларга бир нусхасини юборишнинг ўзи етарли бўлган)*.

Хўжаликлар тайёрлов ташкилотидан нави, сифати ва миқдори туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан белгиланадиган уруғлик ва экиш материаллари билан ўз вақтида таъминлашни талаб қилишга ҳақли. Агар хўжалик томонидан тайёрловчиларга шартномада назарда тутилганидан юқорироқ сифат талабларига мос келадиган маҳсулот етказиб берилса, у ҳолда тарафларнинг келишувига кўра бундай маҳсулотга юқори нарх бўйича ҳақ тўланади.

Хўжалик томонидан сарфланган транспорт харажатларини тўламаганлик учун тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотларига хўжаликка тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи, бироқ тўлов муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня белгиланди.

Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатларини тасдиқлаш бўйича комиссия томонидан низоларни ҳал қилиш тартиби янада батафсилроқ тартибга солинди.

## ҚУРИШГА РУХСАТ ОЛИШ ТАРТИБИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 29 июлдаги «Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиботлари ва давлат назорати тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 222-сон қарори билан Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсат берган ҳолда қурилиш объектларини рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

Олдин амал қилган шундай Низом *(Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги 509-сон қарори билан тасдиқланган)* ўз кучини йўқотди.

Янги тартибга кўра қуйидагилар рўйхатдан ўтказилиши керак: объектларнинг янги бошланаётган қурилиши; мавжуд объектларни реконструкция қилиш (реставрация қилишдан ташқари) *(олдин – ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадидаги мавжуд объектларни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш ҳам)*; Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат жамғармалари маблағлари ҳисобига молияланадиган капитал таъмирлаш объектлари *(олдин назарда тутилмаган)*. У 3 иш кунидан ошмаган муддатларда амалга оширилади *(олдин – 5 кундан, айрим ҳолларда – 10)*.

Вилоятлар ва Тошкент шаҳар Даврхитектқурилиш инспекциялари рўйхатдан ўтказувчи органлар ҳисобланади. Бир нечта минтақаларни қамраб олувчи муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмаларини қуриш объектларини рўйхатдан ўтказиш Даврхитектқурилиш билан келишилади *(олдин у бевосита Даврхитектқурилиш томонидан амалга оширилган)*.

Буюртмачилар томонидан қурилиш объектини рўйхатдан ўтказиш ва қурилиш-монтаж ишларини бажаришга рухсатнома олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати кенгайтирилди. У қурилишнинг бутун муддатига берилади *(олдин буюртмачилар рухсатнома олганларидан сўнг бир ой давомида рўйхатдан ўтказган органга объектда қурилиш-монтаж ишлари бошлаб юборилганлиги тўғрисида хабар қилишлари шарт бўлган, акс ҳолда рухсатнома бекор қилиниши ёхуд тўхтатиб турилиши мумкин бўлган)*.

Қарор билан бошқа ҳужжатлар ҳам тасдиқланган.

## НАРХЛАР ЎЗГАРДИ

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 29 июлдаги 223-сон қарори билан 2011 йил 1 августдан бошлаб ёнилғи-мойлаш материалларининг бир литри учун қуйидаги чакана нархлар белгиланган:**

Аи-80 маркасидаги автобензин – 1 405 сўм;

Аи-91, А-92 ва Аи-93 маркаларидаги автобензин – 1 570 сўм;

Аи-95 маркасидаги автобензин – 1 755 сўм;

дизель ёқилғиси – 1 405 сўм;

ЭКО дизель ёқилғиси – 1 465 сўм.

2011 йил 1 августдан бошлаб автобензин харид қилиш харажатларининг бир қисмини алоҳида тоифадаги шахсларга пулли компенсация қилиш миқдори бир ойда 28 100 сўмни ташкил қилади.

## АВИАКАССА КИМЛАР БИЛАН ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАСИДА ИШЛАЙДИ?

**Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 августдаги «Авиаташув хизматлари амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 224-сон қарори** билан белгиланган тартибга кўра, 2011 йил 5 августдан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида авиачипталарни авиакомпаниялар, уларнинг ваколатхоналари ва агентлари томонидан Ўзбекистон резидентларига (бутун авиаташувнинг бошланғич жўнаш пункти Ўзбекистон ташқарисида бўлганда) ва норезидентларига (барча ҳолларда) сотиш фақат чет эл валютасида амалга оширилади.

## ХОДИМЛАР СОНИ МЕЪЁРИГА ДОИР ЎЗГАРТИРИШЛАР

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2011 йил 29 июлда 2173-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди** *(«СБХ»нинг 2011 йил 11 августдаги 33 (889)-сонида чоп этилган)*.

Энди Низом штат жадваллари давлат бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланадиган чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотларига, шунингдек якка буюртмалар бўйича умумий овқатланиш соҳасида банкет асосида хизмат кўрсатувчи ташкилотларга нисбатан татбиқ этилмайди.

Чакана савдо ва умумий овқатланиш ташкилотлари асосий ходимлари сонининг, шунингдек қурилиш ташкилотларида ишлаётган қурувчи ишчилар сонининг энг кам меъёрларини аниқлашда ҳосил бўлган каср сонлар яхлитлаш қоидаларига кўра бутун сонга яхлитланади. Қурилиш ташкилотларида ишлаётган қурувчи ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрини аниқлаш формуласи, шунингдек ойлик меҳнат сарфи нотекис бўлган қурувчи ишчилар сонининг энг кам меъёрини аниқлаш мезонлари ўзгартирилди.

**2011 йил 8 августдан кучга кирди.**

## ҲУЖЖАТЛАР МУВОФИҚЛАШТИРИЛДИ

**Молия вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2011 йил 2 августда 2112-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Давлат бюджетининг пул маблағларини режалаштириш ва бошқариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.** Улар билан ҳужжат мазкур соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларга мувофиқлаштирилди. Хусусан, **«Давлат бюджетининг пул маблағларини бошқариш», «республика ва ҳудудий ғазна ҳисобварақлари»** атамаларининг таърифлари янги таҳрирда келтирилган, **«ягона ғазна ҳисобварағи»** атамасига таъриф берилди – Молия вазирлиги Ғазначилиги томонидан бошқариладиган махсус банк ҳисобварағи бўлиб, бу ҳисобварaққа Давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Тегишли бюджетларнинг ойлик даромадлар ва харажатлар ёйилмасининг баъзи шакллари янги таҳрирда тасдиқланди.

Шунингдек бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар ҳам киритилди.

**2011 йил 12 августдан кучга кирди.**

* * *

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг буйруғи *(АВ томонидан 2011 йил 2 августда 2219-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 3-иловасига ўзгартиришлар киритилди.** Улар Интеллектуал мулк агентлиги ташкил қилиниши билан боғлиқ.

**2011 йил 12 августдан кучга кирди.**

* * *

**Молия вазирининг буйруғи *(АВ томонидан 2011 йил 2 августда 1927-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга уни Болаликдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга** *(Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 107-сон қарори билан тасдиқланган)* **мувофиқлаштирувчи ўзгартиришлар киритилди.**

**2011 йил 12 августдан кучга кирди.**

## ФИРМА НОМИНИ ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ БАНД ҚИЛИНГ

**Давлат статистика қўмитасининг қарори *(АВ томонидан 2011 йил 2 августда 2251-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан Электрон захирага олиш тизими ва фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасининг ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома тасдиқланди.**

Ҳужжатга мувофиқ, электрон талабнома берувчи томонидан мустақил равишда Интернет тармоғи орқали фирма номини захирага олиш учун Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтига бевосита мурожаат этиш ва тегишли рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат қилиш орқали электрон талабномани тўлдириш йўли билан амалга оширилади. Электрон талабноманинг мажбурий реквизитлари қуйидагилар ҳисобланади: юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтиши мўлжалланаётган ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри); электрон талабнома берувчи жисмоний шахслар учун – фамилияси, исми, отасининг исми, паспорт серияси ва рақами; электрон талабнома берувчи юридик шахслар учун – номи ва СТИР. Электрон талабномада бошқа маълумотларни кўрсатиш мажбурий эмас. Унга битта асосий ва муҳимлиги бўйича жойлашган тўрттагача қўшимча фирма номлари киритилиши мумкин.

Электрон талабномани олгач, фирма номларининг марказлаштирилган маълумотлар базасига тегишли ёзувни киритиш йўли билан, 8 иш соатидан ошмаган муддатда қулай фирма номи захирага олиниши керак. Захирага олиш натижаларини кўриш, захирага олиш тизимида берилган ягона логин ва пароллан фойдаланган ҳолда, Интернет тармоғи орқали амалга оширилади.

**2011 йил 12 августдан кучга кирди.**

***2011 йил 30 июлдан 5 августгача бўлган даврда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳларини «Norma» МЧЖ юрисконсульти Мария ТУХТАРОВА тайёрлади.***

## УШБУ СОНДА:

✓ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА
– Иқтисодиётни янада ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатлари
– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
– Валюталар курси
1-2-бетлар

✓ БЕВОСИТА МУЛОҚОТ
– Уч йил ўтишини кутмасдан талаб қилинг
– Сизга вақтни нотўғри белгилашган
– «Ишонч телефони» тадбиркорлар хизматида
3-бет

✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИК
– ЯСТ: 5 фоиз бўнак тўлашда автоматизмга барҳам берилди
– Корхона почта манзили қаерда
4-бет

✓ ҲУҚУҚ
– Дори соҳасининг ривожланиш истиқболлари
– Васиятнома: ҳуқуқ ва мажбуриятлар
5-бет

✓ СЎНГСЎЗ ЎРНИДА
– Биз жабрини тортаётган зарарли одамлар
6-бет

✓ top
7-8-бетлар

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

| Мамлакат | Сана | АҚШ доллари | | Евро | | Россия рубли | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | бирлиги | курси | бирлиги | курси | бирлиги | курси |
| Озарбайжон | 11.08.2011 | 1 | 0,7866 | 1 | 1,1183 | 1 | 0,0269 |
| Арманистон | 11.08.2011 | 1 | 368,52 | 1 | 525,33 | 1 | 12,53 |
| Беларусь | 12.08.2011 | 1 | 5020,00 | 1 | 7151,99 | 1 | 170,65 |
| Грузия | 11.08.2011 | 1 | 1,6565 | 1 | 2,3824 | 1 | 5,6523 |
| Қозоғистон | 12.08.2011 | 1 | 147,07 | 1 | 209,65 | 1 | 5,00 |
| Қирғизистон | 12.08.2011 | 1 | 44,5271 | 1 | 62,7454 | 1 | 1,5652 |
| Латвия | 12.08.2011 | 1 | 0,494 | 1 | 0,702804 | 1 | 0,0169 |
| Литва | 12.08.2011 | 1 | 2,4219 | 1 | 3,4528 | 10 | 8,2451 |
| Молдова | 11.08.2011 | 1 | 11,4155 | 1 | 16,4171 | 1 | 0,3892 |
| Тожикистон | 12.08.2011 | 1 | 4,7305 | 1 | 6,7498 | 1 | 0,1601 |
| Ўзбекистон | 09.08.2011 | 1 | 1729,12 | 1 | 2456,00 | 1 | 61,02 |
| Украина | 11.08.2011 | 100 | 797,08 | 100 | 1145,1648 | 10 | 2,7198 |
| Эстония | 31.12.2010 | 1 | 11,7107 | 1 | 15,6466 | 1 | 0,383246 |

*Манба: www.prime-tass.ru*

# УЧ ЙИЛ ЎТИШИНИ КУТМАСДАН ТАЛАБ ҚИЛИНГ

***1. Ўтган йили ва ундан аввалги йилда ходим бир неча марта касаллик варақаси олиб келди. Меҳнатга қобилиятсизлик варақаларини ишга чиқиши билан дарҳол тўлашлари учун топширган. Бироқ ҳозирга қадар уларга пул тўланмади. Ташкилот улар бўйича тўловни ҳозир тўлаши керакми? Ёки тўлов бўйича бирор-бир муддат мавжудми?***

***2. Маъмурият ходимдан касаллик варақаси олганидан кейин ишга чиққанидан сўнг ана шу кунларни ишлаб беришни талаб қилди. Мазкур талаб қонунийми, ходим уни бажаришга мажбурми? Агар ходим ушбу соатларни бошқа кунларда ишлаш ҳисобига тўлдирса, уларга пул тўланиши керакми ва бунда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси тўланиши керакми?***

**Аркадий.**

– **1. Ҳа, ташкилот вақтинча меҳнатга қобилиятсизликнинг айтилган даврларига ҳақ тўлаши керак.** Қонун ҳужжатлари нафақа суммаларини тўлаш бўйича белгиланган муддатларни назарда тутмайди. Бироқ суд тартибида талаб қилиб олингунча даъво муддатининг умумий муддати мавжуд, у – 3 йил. Бу муддат юқорида кўрсатилган вазиятда қўлланиши мумкин *(Фуқаролик кодекси 2-моддасининг бешинчи қисми ва 12-боби).*

**2. Маъмуриятнинг талаблари қонунга зид.** Меҳнат кодексида ҳам, бошқа қонун ҳужжатларида ҳам вақтинча қобилиятсизлик даврига тўғри келадиган кунларни кейинчалик ишлаб бериш назарда тутилмаган. Агар ходим ишни қўшимча тарзда бошқа иш кунларида бажарса, унга Меҳнат кодекси IX боби қоидаларига кўра **умумий асосларда ҳақ тўланиши керак**. Бунда **вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси иш вақтига тўланишидан қатъи назар**, Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда назарда тутилган тартибда **тўланиши керак**.

***Телефон орқали***
***«Norma» МЧЖ эксперт юридик хизматининг бошлиғи***
***Артём МОКШИН***
***жавоб берди.***

*[1]Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 8 майдаги 1136-сон буйруғи билан тасдиқланган.*



Реклама

NORMA

ЭКСПЕРТ МАЪЛУМОТНОМА ТИЗИМИ

ИШ БЕРУВЧИГА ҚЎЛЛАНМА

Харид қилиш масалалари бўйича қуйидагиларга мурожаат қилинг:
Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майд., 10А-уй.
Тел.: (998 71) 237-07-78, тел./факс: (998 71) 237-45-29.
E-mail: info@norma.uz, web: www.norma.uz

# СИЗГА ВАҚТНИ НОТЎҒРИ БЕЛГИЛАШГАН

***2010 йил 11 ноябрда, имтиёзли пенсия ёшига етгач, Пенсия жамғармасининг бўлимига менга катта кутубхоначи сифатида умумбелгиланган ёшни 5 йилга камайтирган ҳолда имтиёзли пенсия тайинлашлари тўғрисида ариза бердим. Қўшимча ҳужжатлар тақдим этишим тўғрисидаги барча талабларни 2 кунда бажардим. Бироқ 2011 йил 8 июлдагина (8 ой ўтгач) менга рад жавоби беришди, буни катта кутубхоначига имтиёзли пенсия мумкин эмаслиги билан изоҳлашди: оддий кутубхоначи, кутубхона мудирига мумкин, катта кутубхоначига эса мумкин эмас эмиш. Гўё ушбу янги қоида 2011 йил 1 январдан кучга кирган экан. Бироқ, биринчидан, лавозимим «катта кутубхоначи» деб аталса-да, мен барибир кутубхоначи бўлиб ишлаганман (катта, кичик ёки оддий кутубхоначи ўртасида қандай фарқ бўлиши мумкин?), иккинчидан, мен аризани 2010 йил 11 ноябрда, ушбу меъёр ҳали кучга кирмаган пайтда берганман.***

***Пенсия жамғармаси бўлими ходимларининг ҳаракатлари қонунийми?***

**Катта кутубхоначи.**

– Йўқ, қонуний эмас. **Биринчидан, Пенсия жамғармаси бўлимининг ходимлари аризани кўриб чиқиш муддатларини бузганлар.** «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг[1] *(бундан кейин – Қонун)* 45-моддасига биноан **пенсия тайинлаш тўғрисидаги ҳужжатлар улар тушган кундан эътиборан 10 кундан кечиктирмасдан қараб чиқилади.** Пенсия тайинлаш рад этилган тақдирда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўлими тегишли қарор чиқарилганидан кейин 5 кун ичида аризачига пенсия тайинлаш рад этилгани ҳақида рад этиш сабаблари ва шикоят бериш тартиби кўрсатилган тегишли хабарномани беради ёки жўнатади ҳамда айни чоғда барча ҳужжатларни қайтаради.

**Иккинчидан, сизга нисбатан 2010 йил 11 ноябрда амал қилган қонунчилик меъёрлари қўлланиши керак.** Қонун 46-моддасига мувофиқ ариза барча зарур ҳужжатлар билан қабул қилиб олинган кун пенсия учун мурожаат этилган кун деб ҳисобланади. Аризага барча зарур ҳужжатлар илова қилинмаган ҳолларда Пенсия жамғармаси бўлимининг ходимлари аризачига қўшимча равишда қайси ҳужжатлар тақдим этилиши кераклиги ҳақида хабар қиладилар. Башарти, улар қўшимча ҳужжатлар тақдим этилиши зарурлиги ҳақидаги хабарнома олинган кундан эътиборан уч ой ичида тақдим этилса, унда пенсия тайинланиши тўғрисидаги ариза қабул қилинган кун пенсия тайинланиши учун мурожаат этилган кун деб ҳисобланади. Хатингиз мазмунидан келиб чиқилса, **аризангиз қабул қилинган кун бўлиб 2010 йил 11 ноябрь ҳисобланади** (чунки сиз барча қўшимча ҳужжатларни 3 ой орасида тақдим этгансиз). Ёшга доир пенсия, агар унинг учун пенсия ҳуқуқи юзага келган кундан бошлаб 3 ойдан кечикмай мурожаат қилинган бўлса, пенсия ёшига етган кундан бошлаб тайинланади. Агар 3 ойдан кейин мурожаат қилинса – мурожаат қилинган кундан бошлаб.



Тегишинча, пенсия ариза қабул қилинган кунда амал қилган меъёрлар бўйича тайинланиши керак.

**Учинчидан, катта кутубхоначи ҳам кутубхоначидир.**

2011 йил 1 январгача умумбелгиланган пенсия ёшини 5 йилга камайтириб пенсия тайинланиш ҳуқуқи (яъни эркакларга – 55 ёшдан, аёлларга – 50 ёшдан) 3-сон Рўйхатнинг[2] VII қисмига кўра камида 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлган барча ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимларига тегишли эди. Ушбу рўйхатда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхати келтирилган. Яъни нафақат лавозимлар, балки муайян иш турларини тавсифлайдиган кўрсаткичлар мажмуи берилган. Ушбу ҳужжатга кўра маориф ходимларига кутубхоначилар ва кутубхона мудирлари ҳам киритилган *(3-сон Рўйхат VII қисмининг 2-бўлими)*. Катта кутубхоначи ҳам кутубхоначи, фақат унда жавобгарлик янада юқори даражада бўлади ва иш ҳажми кўпдир.

2011 йил 1 январдан 2010 йил 22 декабрдаги ЎРҚ-272-сон Қонун[3] билан кучга киритилган меъёр амал қила бошлади, унга кўра пенсия ёшини 5 йилга камайтирган ҳолда имтиёзли пенсияга 3-сон Рўйхатнинг VII қисмига кўра **фақат ихтисослашган муассасаларнинг** маориф ходимларигина ҳақлилар. Бироқ пенсия пенсияга доир ёшга етилган кундан бошлаб тайинланиши боис, сиз келтирган маълумотлардан келиб чиқилса, сиз пенсия ёшига етгансиз ва юқорида кўрсатилган меъёр кучга киритилгунга қадар пенсия тайинлашлари тўғрисида ариза билан мурожаат қилгансиз, сиз таълим муассасаси ихтисосланишининг туридан қатъи назар, маориф ходими сифатида имтиёзли пенсия олишга ҳақлисиз.

Бузилган ҳуқуқларингизни тиклаш учун сиз Пенсия жамғармаси бошқармасига ёки бевосита судга Пенсия жамғармаси бўлими ходимларининг ҳаракатлари устидан шикоят билан мурожаат қилишингиз ва имтиёзли пенсия тайинланиши рад этилганлиги хусусида шикоят қилишингиз мумкин.

***Телефон орқали***
***«Norma» МЧЖ юрисконсульти***
***Мария ТУХТАРОВА жавоб берди.***

*[1]1993 йил 3 сентябрдаги 938-XII-сон.*

*[2]Умумий белгиланган ёшдан 5 йил олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 3-сон рўйхати (ВМнинг 1994 йил 12 майдаги 250-сон қарори билан тасдиқланган).*

*[3]«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида».*

# «ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ» ТАДБИРКОРЛАР ХИЗМАТИДА

***«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури асосида мамлакатимизда янада қулай бизнес муҳитини яратиш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартда қабул қилинган «Адлия органларида махсус «ишонч телефони» ташкил этиш тўғрисида»ги қарори мазкур йўналишдаги яна бир муҳим қадам бўлди. Қарор асосида Адлия вазирлигида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан уларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини таъминлаш масалалари бўйича аризалар, таклифлар ва шикоятларни қабул қилиш учун телефон алоқасининг махсус линияси – «ишонч телефони» ташкил этилди. «Ишонч телефони» орқали мурожаатлар бутун Ўзбекистон ҳудудида 008 телефон рақамига қўнғироқ қилиш йўли билан бепул амалга оширилмоқда.

«Ишонч телефони» ишга тушганидан буён адлия идораларига тадбиркорлик субъектларидан олти юзга яқин мурожаат тушди. Қабул қилинаётган мурожаатлар бўйича шу куннинг ўзида адлия органининг масъул ходими томонидан белгиланган шакл бўйича «назорат карточкаси» тўлдирилади ва тегишли бошқарма ёки бўлимларга ҳал этиш учун юборилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, тадбиркорлар кўпроқ банк, солиқ, рўйхатдан ўтказувчи, лицензия берувчи идоралар, бозор муносабатларида айрим муаммоларга дуч келмоқда. Мисол учун, Фарғона вилояти Бувайда туманида яшовчи якка тартибдаги тадбиркор М.Бобохонов «Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг Янгиқўрғон филиалига кредит сўраб ариза берган ва барча зарур ҳужжатларни тақдим этган. Бироқ банк маъмурияти ушбу мурожаатни эътиборсиз қолдирган. Тадбиркор ушбу масалада ёрдам сўраб «ишонч телефони»га мурожаат қилди.

Ўрганиш давомида тадбиркорнинг мурожаати банк кредит қўмитаси томонидан кўриб чиқилиб, унга 18 млн сўм кредит ажратиш мумкинлиги тўғрисида ижобий хулоса берилганига қарамай, кредит бериш пайсалга солингани аниқланди. Адлия вазирлигининг аралашуви билан тадбиркорга кредит ажратилиши таъминланди.

Тадбиркор Т.Нарзуллаевнинг Тошкент вилояти архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ҳамда Янгийўл тумани ҳокимлигига ер ажратиш масаласида қилган мурожаатлари жавобсиз қолган. «Ишонч телефони» орқали тадбиркор ўз мақсадига эришди. Бу масалада аниқланган қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш мақсадида кўрилган тегишли чора туфайли тадбиркорнинг ишини орқага сурган Янгийўл тумани архитектура ва қурилиш бўлими бошлиғи Б.Умрзоқовга интизомий жазо чораси кўрилди.

Андижон вилояти Бўз туманида фаолият юритаётган «Тўхтахон Тешабоева» хусусий корхонаси раҳбари туман тиббиёт бирлашмаси томонидан шартнома шартлари бажарилмаётганини билдирди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш мақсадида адлия бошқармаси томонидан хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Судда адолат қарор топиб, хусусий корхона фойдасига уч млн сўм ундириш ҳақида қарор чиқарилди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, бу жараёнда аниқланган қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва уларнинг йўл қўйилишига айбдор бўлган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш мақсадида тегишли идораларга 34 тақдимнома, 52 огоҳнома ва кўрсатма ҳамда судларга 908 млн сўмликдан ортиқ даъво аризалари киритилди. Қонунбузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан расмийлаштирилган 12 маъмурий баённома судларга юборилди.

***ЎзА материали асосида тайёрланди.***

# ЯСТ: 5 ФОИЗ БЎНАК ТЎЛАШДА АВТОМАТИЗМГА БАРҲАМ БЕРИЛДИ



***2010 йил 1 январдан бошлаб Президентнинг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорига кўра улгуржи савдо корхоналари учун ҳар бир савдо операцияси тушумидан ягона солиқ тўловининг 5 фоизлик бўнагини тўлаш тартиби жорий этилган эди. Бироқ ушбу масала етарлича тартибга солинмаганлиги туфайли банклар амалда барча тушумлардан 5%ни улгуржи савдо корхоналарининг ҳисобрақамларига ўтказиб, бу билан ушбу тадбиркорлик субъектларига солиқ солишни мураккаблаштирганлар.***

***Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки бошқарувининг қарори*** *(АВ томонидан 2011 йил 29 июлда 2065-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган, бундан кейин – 2065-1-сон қарор)* ***билан Улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга*** *(МВ, ДСҚ ва МБ бошқарувининг АВ томонидан 2010 йил 14 январда рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган, бундан кейин – 2065-сон Низом)* ***ўзгартиришлар киритилди. Ушбу ўзгартиришлар автоматизмга барҳам бериш имконини берди.***

***Эксперт-маслаҳатчимиз ушбу мазкур билан тартибга солинадиган энг муҳим масалаларни кўриб чиқади.***

***– 2065-1-сон қарор билан бўнак тўловларини ҳисобга олган ҳолда улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўлови тўланиши тартибига қандай муҳим ўзгартиришлар киритилди?***

– Биринчидан, бўнак тўлови ушланмайдиган пул маблағлари манбаларининг рўйхати аниқ белгиланди.

Иккинчидан, улгуржи савдо корхоналарида бўнак тўловларини тўғри ва ўз вақтида ушлаб қолиш учун тижорат банклари ҳамда солиқ органларининг жавобгарлик чегаралари белгиланди.

***– Бугунги кунга қадар бўнак тўловларини ҳисобга олганда улгуржи савдо корхоналари томонидан ягона солиқ тўловини тўлаш тартибини қўллаш амалиёти ғоятда зиддиятли эди. Банклар билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида низолар тез-тез юзага келарди. Банклар 2065-сон Низомнинг 12-бандига асосланиб, нафақат савдо операциялари, балки исталган операциялардан тушадиган барча маблағларни махсус ҳисобварақларга қайд этиб, улардан 5 фоизлик бўнак тўловини ушлаб қолардилар, бу эса 2065-сон Низомнинг 1-бандига зид бўлиб, ЯСТни ортиқча тўлашга олиб келар ва уни қайтаришнинг анча мураккаб таомили зарурлигини тақозо этарди. Шу жиҳатдан олганда 2065-1-сон қарор нималарни ўзгартирди?***

– У банклар махсус ҳисобварақларга қайд этишга ва, тегишинча, улардан бўнак тўловларини ушлаб қолишга ҳақли бўлмаган пул маблағларини аниқ белгилаб берди. Қуйидагилар уларга киради:

илгари тўланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг қайтиши кўринишида давлат бюджетидан ва давлат мақсадли жамғармаларидан келиб тушган маблағлар;

чакана савдодан инкассация қилинган тушум;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида тушаётган мақсадли маблағлар;

илгари жойлаштирилган депозитларнинг қайтиши;

бир юридик шахснинг асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига, иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан асосий талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига ёки битта иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағидан бошқа иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағига келиб тушадиган маблағлар;

илгари конвертация учун йўналтирилган маблағларнинг конвертация қилинмаган қисмининг қайтиши;

устав фондига (устав капиталига) улуш сифатида келиб тушган маблағлар;

фоизлар ва дивидендлар;

грантлар;

хато ўтказилган маблағларнинг қайтган қисми.

Қолган барча пул маблағларини банк махсус ҳисобварақларга қайд этиши керак.

***– Демак, ЯСТ бўйича бўнак тўлови ушлаб бўлмайдиган пул маблағларини дарҳол улгуржи савдо корхоналарининг асосий ва иккиламчи депозит ҳисобварақларига қайд этиш керакми?***

– Ҳа, пул маблағлари келиб тушганда банк тўлов топшириқномаси, шартнома, бошқа ҳужжатларнинг «тўлов тафсилотлари» устунида кўрсатиладиган маълумотлар асосида уларнинг улгуржи савдога тааллуқли ёки тааллуқсиз эканлигини текшириши, сўнгра эса асосий ёки иккиламчи ҳисобвараққа қайд этиши керак.

***– Пул маблағлари кўпинча операцион кун тугаганидан кейин келиб тушади. Бу ҳолда банклар қачон бўнак тўловини ушлашга ва қолган пулларни асосий (иккиламчи) ҳисобвараққа қайд этишга ҳақли бўладилар?***

– Ўзгартиришларга биноан банк буни кейинги операцион кундан кечиктирмай қилишга мажбурдир.

***– Хизмат кўрсатувчи банк юридик шахснинг талаб қилиб олингунча депозит (ҳисоб-китоб) ҳисобварағида пул маблағлари етарли бўлмаганда талабларни қондириш учун етишмаётган суммани 22624-«Акцизли товарларнинг айрим турларини реализация қиладиган юридик шахсларнинг мақсадли маблағлари» ва 22626-«Корхоналар ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» ҳисобварақларидан бошқа турдаги товарларни реализация қилувчи улгуржи савдо корхоналари учун ҳисобдан чиқаришга ҳақлими?***

– Юридик шахснинг талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварағида пул маблағлари етарли бўлмаганда маблағларни ҳисобдан чиқариш тартиби Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобрақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома[1] билан белгиланади. У фақат 22624 ва 22626-ҳисобварақлардан талаб қилиб олингунча асосий ва иккиламчи депозит ҳисобварақларига ўтказиладиган маблағларгагина татбиқ этилади. Шу тариқа, ушбу ҳисобварақларга пул маблағлари келиб тушганда, аввало, бўнак тўлови (5%) ушланади, қолган 95%дан эса етишмайдиган сумма ҳисобдан чиқарилиши мумкин.

***– Агар банк 2065-1-сон қарор билан белгиланган рўйхатга кирадиган пул маблағларидан бўнак тўловини ушласа, улгуржи савдо корхонаси мазкур вазиятда нима қила олади?***

– У қонун ҳужжатлари билан белгиланган, ҳисобварақлардан маблағларни ҳисобдан чиқариш тартибини бузганлик учун **банк устав капитали энг кам миқдорининг 0,1%и миқдорида жарима тўлашни талаб қила олади** *(Ҳисобварақлар очиш, мижозлар ҳисобварақларига маблағ ўтказиш ва ҳисобдан чиқариш, иш ҳақи ва қонунларда назарда тутилган бошқа эҳтиёжлар учун нақд пул бериш тартиби бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун тижорат банкларига нисбатан жарима жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомнинг[2] 6-банди)*. Банк билан мижоз ўртасидаги низо шартнома шартларига мувофиқ ҳал этилади.

Банк жарима тўлаш тўғрисидаги даъвони қондиришдан бош тортган тақдирда, корхона судга мурожаат қилишга ҳақли.

Солиқ кодексига *(бундан кейин – СК)* асосан ортиқча тўланган суммалар корхонанинг ЯСТ бўйича бўлғуси тўловлари ҳисобига қайд этилиши ёки унга қайтарилиши керак. Ортиқча тўланган солиқни бошқа солиқ турлари бўйича қарзни сўндириш, мазкур солиқ ёки уларнинг бошқа турлари бўйича бўлғуси тўловлар ҳисобига ҳисобга олиш солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида давлат солиқ хизмати органи томонидан ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисида хулоса тақдим этилган тақдирда тегишли молия органлари томонидан амалга оширилади. Солиқ органи солиқ тўловчи ёзма ариза берган санадан эътиборан уч кунлик муддатда ҳисобга олишни амалга ошириш тўғрисидаги хулосани молия органларига тақдим этиши шарт *(СК 56-моддасининг тўртинчи қисми)*.

Ортиқча тўланган бошқа мажбурий тўловлар суммаларини қайтариш солиқ тўловчининг ёзма аризаси асосида, зиммасига мажбурий тўловларни ундириб олиш мажбурияти юклатилган органларга тегишли ариза берилган санадан эътиборан ўттиз иш куни ичида амалга оширилади *(СК 58-моддасининг тўртинчи қисми)*.

***Елена ЕРМОХИНА,***
***«Norma» МЧЖнинг ҳуқуқий масалалар бўйича эксперт-маслаҳатчиси.***

*[1]МБ ва МВ томонидан тасдиқланган, АВ томонидан 1999 йил 30 январда 615-сон билан рўйхатдан ўтказилган.*

*[2]МБнинг АВ томонидан 2001 йил 30 июнда 1044-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган.*



# КОРХОНА ПОЧТА МАНЗИЛИ ҚАЕРДА

***1. Юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказишда тадбиркорлик субъектининг почта манзилини аниқлаш бўйича тушунтириш берсангиз.***

***2. Юридик шахс ўзининг уй манзилидан юридик шахснинг почта манзили сифатида фойдаланишга ҳақлими?***

**Тадбиркор.**

– **1.** Фуқаролик кодексига *(ФК)* кўра юридик шахслар ўз жойлашган ерларига эгалар ва ўз почта манзилларига эга бўлишлари керак. ФК 46-моддасининг учинчи қисмига кўра **юридик шахснинг жойлашган ери**, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, **у давлат рўйхатидан ўтказилган жой билан белгиланади**. ФК 46-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ **юридик шахс** ўзи билан бўладиган алоқа амалга ошириладиган **почта манзилига эга бўлиши лозим** ҳамда ўзининг почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида ваколатли давлат органларини хабардор этиши шарт. Юқорида айтилгандан шундай хулоса қилиш мумкинки, юридик шахснинг жойлашган ери у рўйхатдан ўтказилган манзил бўлиши керак.

Почта манзилини белгилашга келсак, бунда бир қатор саволлар юзага келади. Илгари ушбу атама Почта алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари[1] 2-«Асосий тушунчалар» параграфининг 3-бандида келтирилган эди: «Почта манзили – почта алоқаси хизматларидан фойдаланувчининг тегишли почта алоқаси объекти почта индекси кўрсатилган ҳолда жойлашган еридир». Бироқ улар ўз кучини йўқотди, янги қоидалар[2] ҳам, «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонун[3] ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам **почта манзили таърифини бермаган**.

2010 йил 1 январдан янги меъёр кучга кирди, унга кўра солиқ тўловчи – юридик шахс **кўрсатилган манзилда** бўлмаганда солиқ хизмати органлари солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш қарорини қабул қила оладилар *(СКнинг 96-моддаси)*. Кўрсатилган манзил бўлиб почта манзили ҳисобланади, чунки юридик шахс рўйхатдан ўтказилаётганида аризада айнан шуни кўрсатишни талаб қиладилар *(Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низом[4])*. Кўрамизки, **қонунчилик почта манзилининг ташкилотнинг амалдаги ҳудудий жойлашуви билан алоқасини белгилайди**. Шу тариқа, юридик шахснинг почта манзили деб кадастр ҳужжатларига кўра кўчмас мулк (тадбиркорлик фаолияти амалга оширилаётган жой) манзили ва почта реквизитлари, масалан, почта алоқаси тегишли бўлимининг почта индексини[5] ҳисоблаш мумкин.

**2.** Йўқ, **фойдаланишга ҳақли эмас.** Юқорида айтилганидек, юридик шахс кўрсатилган почта манзилида жойлашиши керак. Тегишинча, юридик шахс айни ушбу манзилда ўзининг тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади. Кўп квартирали уйдаги турар жойга бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларни ушбу жой яшаш учун мўлжалланмаган жойлар туркумига белгиланган тартибда ўтказилганидан кейингина жойлаштириш мумкин *(Уй-жой кодекси 9-моддасининг учинчи қисми)*.

***Мария ТУХТАРОВА,***
***«Norma» МЧЖ юрисконсульти.***

*[1]ЎзААА бош директорининг АВ томонидан 2003 йил 16 июлда 1256-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.* ***2011 йил 28 апрелдан ўз кучини йўқотган.***

*[2]ЎзААА бош директорининг АВ томонидан 2011 йил 18 апрелда 2219-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.*

*[3]2000 йил 31 августдаги 118-II-сон (2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-211-сон Қонун билан тасдиқланган таҳрирда).*

*[4]Президентнинг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357-сон қарори билан тасдиқланган.*

*[5]Почта манзилини тўғри ёзиш учун тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш режалаштирилаётган (кўчмас мулкнинг кадастр ҳужжатларига кўра) амалдаги манзил бўйича почта алоқаси бўлимига мурожаат қилиш тавсия этилади.*

# ДОРИ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

## МАМЛАКАТИМИЗ ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИ ДОРИЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

***Илгари фақат 2 та корхонадан иборат бўлган Ўзбекистон фармацевтика саноати мамлакатимиз Президенти ва республика ҳукуматининг доимий эътибори ва қўллаб-қувватлаши шарофати билан Мустақиллигимизнинг 20 йил даврида ўз ичига 117 та корхонани олган ва ички бозорнинг учдан бир қисми ҳажмида дори воситаларини етказиб берувчи ривожланган соҳага айланиб улгурди.***

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида республикамиз фармацевтика саноатининг ривожи ва дори-дармон таъминоти тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар самараси ҳақида гап борди.

«Ўзфармсаноат» ДАК раиси М.Дўстмуродов, «Дори-дармон» ДАК раиси У.Солиҳбоева бу соҳанинг бошқа мутасадди вакиллари журналистларни фармацевтика соҳасининг бугунги ривожланиш истиқболлари билан таништириб ўтдилар.

Хусусан, мазкур саноатни ривожлантириш бўйича амалга оширилган чоралар натижасида мустақиллик йилларида ишлаб чиқарилаётган дори воситалар ҳажми 5 000 маротабадан ортиқ ошди (46,9 млн сўмдан 250,0 млрд сўмгача). Ишлаб чиқаришда 94 та фармакотерапевтик гуруҳлар ва 30 та доривор шакллар бўйича мингдан зиёд номдаги дори воситалари ишлаб чиқилиши ўзлаштирилди. Бу йилларда фармацевтика маҳсулотини экспорт қилишга ҳам эришилган – ҳозирда унинг умумий ҳажми 8 млн АҚШ долларигача етади. 12 та маҳаллий корхоналаримизда ишлаб чиқарилаётган 130 номдан зиёд дори препаратлари жаҳоннинг 9 та мамлакатида рўйхатга олиниб, етказиб берилмоқда.

Соҳага 150 млн АҚШ долларидан зиёд инвестициялар жалб этилиб, улардан чет эл инвестициялари 90 млн АҚШ долларни ташкил этди, 2015 йилгача бу кўрсаткични 1 млрд АҚШ долларидан ошиши кутилаётир.

Ўзбекистоннинг ўзига хос бой ўсимлик флораси ва ривожланган минерал хом ашё базасига эга эканлиги 10 дан зиёд илмий-тадқиқот институти ва марказларни янги оригинал дори препаратларини яратиш бўйича ишларга жалб этиш имконини берди. Охирги уч йилнинг ўзида ўзбекистонлик олимлар томонидан жаҳонда намуналари бўлмаган 35 та янги оригинал дори препаратлари яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Соҳада маҳаллий маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришга сифат халқаро стандартларини жорий этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, бугунги кунда 3 та корхонада GMP стандартлари талаблари, 10 та корхонада эса ISO-9001 сифатни бошқариш стандартлари жорий этилган. 2013 йилга бориб, GMP стандартлари яна 4 та корхонада ва ISO стандартлари 8 та корхонада жорий этилиши кўзда тутилмоқда.

Соҳада янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий қилиш, охирги авлод дори препаратларини ўзлаштириш мақсадида 2013 йилгача фармацевтика соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш Дастури ишлаб чиқилди. Дастурга 1 млрд АҚШ долларидан ортиқ ҳажмдаги 60 тадан зиёд лойиҳалар киритилгандир.

Дастурни амалга ошириш натижасида қуйидагиларга эришиш режалаштирилмоқда:

– фармацевтика бозорининг умумий ҳажмида маҳаллий дори воситалари улушини 50%гача етказиш ва тайёр дори воситалари импорти ҳажмини камайтириш;

– соҳада бир мингдан ортиқ янги иш ўринлари барпо этиш;

– ишлаб чиқаришда 150 дан зиёд, шу жумладан 9 та янги фармакотерапевтик гуруҳлар бўйича янги дори препаратларини ўзлаштириш;

– маҳсулот экспорти ҳажмини 5 маротабага ошириш;

– 50 та янги оригинал препаратларни яратиш ва ишлаб чиқаришда жорий этиш;

– ижтимоий аҳамиятга молик ҳамда ижтимоий хавфли касалликлар олдини олиш ва даволаш учун керак бўлган дори препаратлари билан эҳтиёжманд аҳолини таъминлашда импортга бўлган эҳтиёжни камайтиришни таъминлаш;

– соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан бюджет маблағлари ҳисобига сотиб олинаётган дори воситаларининг умумий ҳажмида маҳаллий дори препаратлари улушини 30%га етказиш;

– дори воситаларини импорт бўйича сотиб олишга йўналтириладиган валюта маблағларини ҳар йили 100 млн АҚШ доллари ҳажмида камайтириш.

***Ўз мухбиримиз.***

# ВАСИЯТНОМА: ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР

## ЁКИ МЕРОСДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АЙРИМ ҲУҚУҚИЙ МЕЪЁРЛАРИ ХУСУСИДА




***Туриш-турмушимизда турли воқеа-ҳодисотлар, олди-берди муносабатларига тез-тез дуч келиб турамиз. Мерос, васият қолдириш ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг ана шундай ажралмас қисмига айланиб қолган муносабатлардандир.***

Лекин баъзида кишилар бу масалаларда ўзларининг ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ билмасликлари аён бўлиб қолади. Нотариал идоралар бу вақтда фуқароларга ёрдамга келиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги Қонуни 45-моддасида васиятномани тасдиқлаб беришда васият қилувчидан унинг васият қилинаётган мол-мулкига бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи далилларни тақдим этиш талаб қилинмайди дейилган. Чунки васиятномада кўрсатилган мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ ва мажбурият васият қилинаётган пайтда васият қолдирувчига тегишли бўлмаган бўлиши, лекин кейинчалик унга тегишли бўлиши эҳтимолини ҳисобга олиб, кўрсатилган мол-мулк ёки унга бўлган ҳуқуқ мерос очилган пайтга келиб унга ўтса, васиятномадаги фармойиш ҳақиқий ҳисобланади.

ФКнинг 1120-моддасига асосан фуқаро ўзининг қонун билан ман этилмаган ҳар қандай мол-мулкини ва мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларининг барчасини ёки унинг муайян бир қисмини, шу жумладан, уй-рўзғор буюмлари ва жиҳозларини ҳам васият қилиб қолдириш ҳақли.

Агар васият қолдирувчи васиятномада ўзининг барча мулкини васият қилиб қолдириш ҳақида фармойиш берган бўлса, унинг ҳамма мулки, шу жумладан, уй-рўзғор буюмлари ва жиҳозлари ҳам васият бўйича меросхўрларга ўтади.

Васиятномада мол-мулкнинг бир қисми васият қилинган тақдирда, унинг қолган қисми қонун бўйича ворисларга ўтади. Бундай ҳолда васият қолдирувчи уй-рўзғор буюмлари ва жиҳозларининг васият бўйича кимга ўтишини алоҳида-алоҳида кўрсатиши шарт.

Мерос қолдирувчи ўзининг қарзларини тўлашдан айрим ворисларни қисман ёки тўлиқ озод қилишга ҳақли эмас. Васиятномада кўрсатилган бундай фармойиш ҳақиқий ҳисобланмайди. Чунки меросхўрларнинг ҳар бири ўзига теккан мол-мулкнинг қиймати доирасида солидар қарздорлар сифатида жавобгардирлар.

Васият қолдирувчи ўзига тегишли бўлган мол-мулкнинг ҳаммасини ёки унинг муайян бир қисмини хоҳлаган бир ёки бир неча шахсларга васият қилиб қолдириши мумкин. Васиятнома қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган шахсларга, шу билан бирга давлатга, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ёки бошқа юридик шахсларга ҳам берилиши мумкин.

Васият қолдирувчи ўзининг васиятномасидаги фармойиши билан қонун бўйича меросхўрларнинг ҳаммасини, бир нечтасини ёки биттасини меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Бундан ташқари, васият қолдирувчи ўз фармойишида айрим меросхўрларнинг ҳиссаларини кўпайтириш ёки камайтириш, айрим ашёларни маълум бир ворисларга бериш ҳақида кўрсатма бериши мумкин. Васият қолдирувчи ўзининг бундай ҳаракатларининг сабабини тушунтириб, изоҳлашга мажбур эмас.

Шу билан бирга, қонуний ворисни меросдан маҳрум қилиш бирор шарт асосида ҳам бўлиши мумкин эмас. Умуман, васиятномани бекор қилиш шарти билан васиятнома тузилишига йўл қўйилмайди. Аммо уни кечиктириш шарти билан васиятнома тузилиши мумкин. Бундай ҳолларда мерос мулки бирданига васият бўйича ворисга ўтмайди ва васиятномада берилган фармойишга кўра, маълум бир топшириқ бажарилгандан кейин ўтиш тартиби ҳақида шарт қўйилиши мумкин.

Бир ёки бир неча меросхўрлар мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда, меросни навбат бўйича бошқалар – қонунчиликда белгиланган меросхўрлар оладилар. Агар ҳамма ворислар мерос олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлсалар, мерос мулки ФКнинг 1157-моддасида белгиланган тартибда суднинг қарори билан эгасиз мулк деб топилиб, давлат ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи эгалигига ўтади.

ФКнинг 1120-моддаси 7-бандида мерос қолдирувчи васиятнома тузилгандан кейин уни истаган пайтда бекор қилиш ёки ўзгартириш борасида эркинлиги, бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмаслиги белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, васиятнома тузган шахс ўзининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш билан боғлиқ ҳамма ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқини сақлаб қолади. Бунинг учун васиятномани тўлиғича ёки қисман бекор қилиш, унинг мазмунини ўзгартириш шарт эмас.

Васиятномада белгилаб қўйилган алоҳида ашёларни маълум бир меросхўрга бериш ҳақидаги фармойиш ҳам мерос очилгунга қадар у шахс учун ҳеч қандай ҳуқуқ туғдирмайди.

Васиятнома ҳар бир алоҳида олинган шахснинг айнан ўзининг ҳаракати ҳисобланади. Шунинг учун васиятнома икки ва ундан ортиқ шахслар томонидан биргаликда бирданига тузилиши мумкин эмас.

***Шавкат ЗИЁДУЛЛАЕВ,***
***Бухоро шаҳар 6-сон давлат нотариал идораси нотариуси.***

### ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

***Нотариал идорамизга Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи меҳнатга қобилиятсиз, II гуруҳ ногирони бўлган бир йигит мурожаат қилди. Унинг маълум қилишича, онаси яқинда вафот этибди ва барча мол-мулкини умрининг сўнгги кунига қадар ғамхўрлик қилгани боис ўзи билан истиқомат қилган бошқа бир ўғлига васият қилиб қолдирибди. Шунингдек, унга меҳнатга қобилиятсиз укасига умрбод ғамхўрлик қилиш шартини ҳам юклабди. Афсуски, мазкур шарт васиятномага киритилмагани боис ноқобил ака барча мол-мулкка эга чиққач, онасининг оғзаки васиятини унутиб, укасига деярли эътибор бермай қўйган.***

***«Укамнинг қўлидан энди нима ҳам келарди?» деб ўйлаган ака қаттиқ янглишди.***

***Сабаби, Фуқаролик кодексининг 1142-моддасида меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар алоҳида келтириб ўтилган. Хусусан, мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан фарзандликка олган болалари, шунингдек меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.***

***Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр бирон-бир асос бўйича меросдан оладиган ҳамма нарса, шу жумладан оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қиймати ҳам, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбуриятининг қиймати ҳам мажбурий улушга қўшилади.***

***Меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўр учун васиятномада белгиланган ҳар қандай чеклашлар ва шартлар унга тегадиган мероснинг мажбурий улушдан ортиқча қисмига нисбатангина ҳақиқийдир.***

***Юқоридагиларга асосланган ҳолда ногирон йигитнинг арзи қондирилди ва ўзига тегишли мол-мулкни қўлга киритди.***

Соғлиғим – бойлигим

# БИЗ ЖАБРИНИ ТОРТАЁТГАН ЗАРАРЛИ ОДАТЛАР

***Таомлар танамизга фойда келтириши учун рационни ўзгартириш шарт эмас. Баъзи зарарли одатлардан воз кечишнинг ўзи кифоя. Хуллас...***

## ШОШМА-ШОШАРЛИК БИЛАН ТАМАДДИ ҚИЛМАНГ

Ўз вақтида алломалардан бири таомни эринмай чайнанг – бу билан жамиятга ёрдам қилган бўласиз, деган эди. Бу жамиятга наф келтирадими-йўқми, бир нарса дейиш қийин, аммо ўзингизга кони фойда эканлиги аниқ. Гап шундаки, таомни ҳазм қилиш... меъда-ошқозонда эмас, балки оғизда бошланади. Шу сабабли луқма қанча кўп чайналса, одам аъзолари учун уни ҳазм қилиш шунчалик осон кўчади. Узоқ чайнашнинг яна бир фойдали томони бор. Сўлакда амилаза деган фермент бор, у углеводларнинг парчаланишига ёрдам беради. Чакакни тузукроқ ишлатишда эринчоқлик қилмайдиганларнинг қонида қанд даражаси секин-аста кўтарилиб боради, бинобарин ошқозон ости безига ортиқча юк тушмайди.

Озмоқчи бўлганлар таомни узоқ чайнашдан сира тортинмасинлар. Гап бу ишга ортиқча калория сарфлашда ҳам эмас. Япониялик олимлар овқатланиш вақтидаги шошма-шошарлик билан одамдаги тўлалик ўртасида алоқа борлигини аниқладилар. Овқатни шоша-пиша чайнаб, ютиб юборадиган эркакларда овқатнинг мазасини билмоқчи бўлгандай обдон чайнаб ейдиган кишиларга нисбатан тўлаликка мойиллик 84 фоизни ташкил этади. Аёлларда бу борада хавф икки баравар кўпроқдир. Таомни тез, ютоқиб ейдиган киши тўйганини ҳис этгунча тўлишиш хавфи уч карра ортиб кетади.



Сабаби таом ейилаётганда ошқозон тўлганлигидан мияга ишора (сигнал) берувчи тизим издан чиққанлигида кўринади. Агар тез ейишга одатланган бўлсангиз, ошқозон овқат ҳазм тизими керакли сигнал ишлаб чиқишга тайёр бўлмасиданоқ тез тўлиб қолади.

Таомни яхшилаб чайнаш тишларни соғлом сақлашга ҳам ёрдам беради. Овқат чайналганда таом турига қараб тишларга 20 кг дан 120 кг га қадар кучли босим тушади. Бу нарса милклардаги қон ҳаракатини кучайтиради – шу йўл билан пародонтит касаллигининг олди олинади. Таомнинг ҳар бир ошамини камида 20 марта чайнаш лозим.

## ОВҚАТ ВАҚТИДА ТЕЛЕВИЗОР КЎРАСИЗМИ?

Зангори экран олдида очқаган бўлмасакда, кўп таом еймиз. АҚШ олимлари бунга



қизиқ изоҳ топдилар. Таом ҳар қанча мазали, ширин бўлмасин, вақти келиб унга тўясиз ҳамда овқатланишни тўхтатасиз. Бироқ ана шу лаҳзада дастурхонга янги таом тортилса, қошиқни яна ишга туширишингиз мумкин.

Қизиғи шундаки, телевизор шу жиҳати билан янги тортилган таомга ўхшайди. Кўрсатувларни кўраётганингизда эътиборингиз тарқоқроқ ҳолда бўлади ва сиз еган таомингиз мазасини «эслаб қололмайсиз». Бошқача қилиб айтганда, бир хил нарса истеъмол қилаётган бўлсангиз ҳам, телевизор таъсирида ҳар бир луқмани организм янги таомдек қабул қилади.

Тажрибалар ўтказиш асносида олимлар телевизор кўриш билан бир вақтда овқатланилганда ўрта ҳисобда 500 килокалория кўпроқ таом ейилишини, телевизор қўйилмаган емакхонада овқатланилганига нисбатан бу алфозда таом ейишга 20 дақиқа кўпроқ вақт сарфланишини аниқладилар.

## ТУЗГА ТОБИНГИЗ ҚАЛАЙ?

Организм рисоладагидек ишлаши, ҳаёт кечириши учун озроқ миқдорда туз керак. Соғлиқ билан боғлиқ муаммолардан холи бўлиш учун сизга кунига 1 миллиграммча ёки чой қошиқнинг чорак қисмидаги туз етарлидир. Ана шу нормадан ортиқча ис-



теъмол қилинган туз организм зарарига «ишлайди».

Буйрак ортиқча тузни эплай олмайди, натижада бундай тузлар секин-аста тўплана бориб, томирларда сувни тўхтатиб қўяди, натижада шиш пайдо бўлади, артерия босими ортади. Худди шу сабабли шифокорлар юрак ишемия касаллиги, қон босими хасталиги, буйрак касаллигига мубтало бўлган кишиларга, шунингдек ҳомиладорликнинг охирги ойидаги аёлларга туз истеъмол қилишда жуда эътиборли бўлишни маслаҳат берадилар.

## ТАОМГА КУБИКСИМОН ҚЎШИМЧАЛАР ҚЎШИЛСА

Реклама роликларида ҳар қандай таом пиширилаётганда қозонга бульонли кубиклар қўшишни тавсия этишади. Гуручли овқат, чучвара ёки қайнатма шўрва тайёрланаётганлигининг бунда фарқи йўқ деб айтишади. Эҳтимол, бу қўшимча таомга маза киритар, лекин унинг фойда келтиришига ишонч йўқ.

Бундай кубик ишқибозларини эҳтиёткор бўлишга ундайдиган биринчи нарса шуки, уларда туз кўп – ҳар бир кубикда кунлик норманинг 3/1 қисмига тенг туз бор.

Иккинчи хатарли жиҳати глутамат натрийнинг кўплигидир. Маҳсулотга яхши таъм берадиган бу озиқбоп қўшимча Е621 коди билан танилган. Олимлар шу кунга қадар организм учун бу модданинг хавфли оқибатлари қандай эканлигини аниқ айтолмайдилар. Баъзилар уни тамомила хавфсиз, мия иши учун фойдали деб ҳисоблайдилар. Бошқалар эса Е621 ошқозон яраси, ўн икки бармоқли ичак хасталигини келтириб чиқариши, кўриш қувватига таъсир этиши, саратон касалликлари хавфини кучайтириши мумкин деган фикрда.

## ҚАЙНАЁТГАН ҚОЗОН ОЛОВДА КЎП ҚОЛИБ КЕТМАСИН

Таом тайёрланаётганда сабзавотлар сувда қанча кам турса, улардаги витаминлар шунча кўп сақланади. Шу боис суюқ овқат қайнатилаётганида меъёрни унутманг. Қозонга ҳамма масаллиқларни бирдан солманг. Айтайлик, гўшт яхши пишиши учун камида бир соат керак, агар уни картошка билан бирга қозонга солсангиз, картошка 20-30 минутда пишади-да, қолган вақтда эзилиб, витаминлари эса йўқ бўлиб кетади.

## ОВҚАТ ИСИТИШНИНГ ҚОИДАСИ БОР

Ўсимлик мойи қайта қиздирилганда унда шундай канцерогенлар ҳосил бўладики, улар хавфли ўсимталарга сабаб бўлиши мумкин. Шуни эътиборда тутиб, овқатни олдиндан тайёрлаб қўйишга одатланган бўлсангиз, уни иситишдан аввал тоза идишга кўтариб олиб, қозонга янги ёғ солинг.

## ШЎРВАИ ШИФО

Шўрва, суюқ ош ошқозон шираси ажралишини рағбатлантиради, овқат ҳазм бўлишини яхшилайди ва бошқа таомлар ўзлаштирилишига ёрдам беради. Шу боис уни дастурхонга биринчи таом сифатида тортадилар. Озиш истагидаги кишилар ҳам шўрвага ружу қўйишсин.

Америкалик олимлар қизиқ тажриба ўтказишди. Улар бир тўда кўнгиллиларни икки гуруҳга бўлиб, бир неча ой мобайнида бир хил маҳсулот билан боқишди. Биринчи гуруҳдагиларга бу маҳсулотларни шўрва йўсинида, иккинчи гуруҳдагиларга эса тамаддигазак ва иккинчи таом сифатида беришди. «Шўрвахўрлар» гуруҳидагилар бошқа гуруҳдагиларга нисбатан 3/1 ҳисса кам таом ейишган. Сабаби оддий – шўрва тўқлик ҳиссини беради, натижада одам камроқ калориядаги таом билан кифояланади.



## ЁСТИҚ ОШИГА ҚАЛАЙСИЗ?

Парҳез усули билан даволовчи шифокорлар кечки овқат билан нонушта орасидаги танаффус 14 соатдан ошмаслиги керак деб айтадилар. Ухлаётганимизла организмда модда алмашинуви сустлашади, шунинг учун ҳам кучли овқат тўла ҳазм бўлиб улгурмайди. Буни назарда тутиб, кечқурун ҳазми енгил маҳсулотлар тановул қилмоқ лозим, ейилган нарса ётгунга қадар ҳазм бўлса янада яхши. Сут маҳсулотлари, қуймоқ, олма, нок, апельсин сингари мевалар шундай емишлар сирасига киради. Организм уларни «қайта ишлаш»га бир-икки соат сарфлайди. Ёғсиз балиқ, сабзавот ва ошкўклар, қайнатиб пиширилган картошка, бўтқа ва ёғсиз бузоқ гўшти ошқозонда узоқроқ туради – уларни ҳазм қилишга 2-4 соат керак. Макарон, дуккакли ўсимликлар, қовурма таомлар, шўр ёки серёғ балиқларни ётишдан камида 4-6 соат олдин истеъмол қилмоқ лозим.



***Хорижий матбуот материалларидан.***

Рассом ҳазили



www.caricatura.ru






ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

top

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

«Норма маслаҳатчи» N 33 (318) 2011 йил 16 август ISSN 2091-5209

"Интеграл стар" ХК таклиф қилади

ЁҒОЧ-ТАХТА МАТЕРИАЛЛАРИ

ассортиментда

Хизматлар лицензияланган

Тўлов - исталган шаклда

Тел. 303-16-46, факс 274-66-77

*Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туман ДСИда назоратга олинган ва банк муассасасида ҳисобрақами очмаган ҳамда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналар

**РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | СТИР | Рўйхатга олган давлат органи | Рўйхатга олинган сана |
|---|---|---|---|
| "ANTIK-SAVDO-SERVIS" | 205772677 | ТСРУИ | 04.08.2005 |
| "OST-VEST TEXNO SERVIS" | 205811065 | ТСРУИ | 13.09.2005 |
| "ROSELEKTROSETSTROI" | 205895642 | ТСРУИ | 11.12.2005 |
| "SNOB SILVER" | 205967654 | ТСРУИ | 17.01.2006 |
| "MAGNOLIYA BIZNES" | 205995859 | ТСРУИ | 25.01.2006 |
| "BUSAFE-SERVIS" | 206098905 | ТСРУИ | 13.02.2006 |
| "OQ NIYAT SHIFO-FARM" | 206111872 | ТСРУИ | 16.02.2006 |
| "MITRADEX-BIZNES" | 206160741 | ТСРУИ | 28.02.2006 |
| "DRIVE SERVIS PLUS" | 206231154 | ТСРУИ | 23.03.2006 |
| "STRELETS-LYUKS" | 206362427 | ТСРУИ | 10.04.2006 |
| "NAFIS FAZILAT" | 206477282 | ТСРУИ | 27.04.2006 |
| "ANAS TIJORAT SERVIS" | 206552625 | ТСРУИ | 17.05.2006 |
| "MARVARID QURILISH" | 206564128 | ТСРУИ | 19.05.2006 |
| "KAPITAL SIRIUS" | 206581559 | ТСРУИ | 24.05.2006 |
| "MAGIK-DESK" | 206590824 | ТСРУИ | 26.05 2006 |
| "VERONA-FOOD" | 206638453 | ТСРУИ | 08.06.2006 |
| "AZIMJANOV BAKHTIYARJON" | 206652825 | ТСРУИ | 14.06.2006 |
| "BOYMUROD-BIZNES" | 206652801 | ТСРУИ | 14.06.2006 |
| "MAXIMUS BIZNES PLUS" | 206656914 | ТСРУИ | 16.06.2006 |
| "MIYONKOL SERVIS" | 206712267 | ТСРУИ | 12.07.2006 |
| "AZIMTEX-NORTEL" | 206712314 | ТСРУИ | 12.07.2006 |
| "BAXLI-MUZROBOD" | 206715064 | ТСРУИ | 14.07.2006 |
| "DAROMAT-NURISLOM-FAYZ" | 206715294 | ТСРУИ | 14.07.2006 |
| "SAYOD SERVIS-PLYUS" | 206725915 | ТСРУИ | 21.07.2006 |
| "MUSSAVIR KOMMUNAL" | 206736972 | ТСРУИ | 31.07.2006 |
| "OLTIN ARK KREDIT" | 206740028 | ТСРУИ | 02.08.2006 |
| "DONO SO'NMAS YULDUZ" | 206747096 | ТСРУИ | 07.08.2006 |
| "ORTODENT EVRO-STOM SERVIS" | 206754777 | ТСРУИ | 11.08.2006 |
| "ZULFIQOR-SHAMS" | 206754792 | ТСРУИ | 11.08.2006 |
| "MERGAN OVCHI" | 206771718 | ТСРУИ | 24.08.2006 |
| "NIGORA SAVDO SERVIS" | 206771614 | ТСРУИ | 24.08.2006 |
| "PREMIUM STIL BIZNES" | 206783385 | ТСРУИ | 06.09.2006 |
| "GOLD DIAMOND LAND" | 300020806 | ТСРУИ | 10.10.2006 |
| "GULNARA BIZNES PLUS" | 300023270 | ТСРУИ | 12.10.2006 |
| "ROSVOSTOK PLUS" | 300028160 | ТСРУИ | 18.10.2006 |
| "EKATERINA STIL" | 300028121 | ТСРУИ | 18.10.2006 |
| "SUVENIR OT MUNIRE" | 300028066 | ТСРУИ | 18.10.2006 |
| "METROPOLITEN SET" | 300046084 | ТСРУИ | 07.11.2006 |
| "BOLDEKO SIA" ДП | 300048864 | ТСРУИ | 10.11.2006 |
| "SAFED-BULON FARM" | 300053883 | ТСРУИ | 16.11.2006 |
| "EZGULIK SARI" | 300063966 | ТСРУИ | 28.11.2006 |
| "SALOMATLIK UMMONI" | 300074232 | ТСРУИ | 07.12.2006 |
| "ORTEX-OPTIMA" | 300076364 | ТСРУИ | 11.12.2006 |
| "INFO-SOFT" | 300080108 | ТСРУИ | 14.12.2006 |
| "NIHOL UCHINCHI KOMMUNAL" | 300086519 | ТСРУИ | 20.12.2006 |
| "OSIYO TRANS NEFT-GAZ QURILISH" | 300207967 | ТСРУИ | 02.02.2007 |
| "KALINKA RIELTY" | 300217005 | ТСРУИ | 05.02.2007 |
| "VITAL-JUST" | 300236654 | ТСРУИ | 09.02.2007 |
| "AXLE BIZNES TRADE" | 300346573 | ТСРУИ | 14.03.2007 |
| "MAR PLASTIK" | 300348594 | ТСРУИ | 15.03.2007 |
| "ASL-BOBUR SERVIS" | 300378257 | ТСРУИ | 29.03.2007 |
| "TEHNOLOGY PROFIL" | 300383505 | ТСРУИ | 02.04.2007 |
| "UNAMO DAVO SERVIS" | 300417018 | ТСРУИ | 19.04.2007 |
| "AKADEM LOYIHA INVEST" | 300424871 | ТСРУИ | 24.04.2007 |
| "SHAMSBOT-GLOBAL" | 300427353 | ТСРУИ | 26.04.2007 |
| "SKAT-TRADE" | 300427400 | ТСРУИ | 26.04.2007 |
| "KO'ZMINCHOQ FOOD" | 300436571 | ТСРУИ | 02.05.2007 |
| "LOLA KODIKOVA" | 300593988 | ТСРУИ | 17.10.2007 |
| "ASIA KONSALT BUSINES" | 300608515 | ТСРУИ | 05.11.2007 |
| "ROSSIYSKIE TEHNOLOGII" | 300691408 | ТСРУИ | 23.01.2008 |
| "INTER ID MID-ASIA LLC" | 300690574 | ТСРУИ | 23.01.2008 |
| "TEXNO ALFA MAYNING" | 300700465 | ТСРУИ | 30.01.2008 |
| "HALOL-SERVIS-PLUS" | 300772124 | ТСРУИ | 24.03.2008 |
| "G'ANIYUN" ШК | 300821283 | ТСРУИ | 30.04.2008 |
| "KARADAS ALYUMIN" | 300917961 | ТСРУИ | 22.08.2008 |
| "PRIMA BUSINESS" | 300955797 | ТСРУИ | 06.10.2008 |
| "CHINESE WHRATEN FOOD" | 300969423 | ТСРУИ | 23.10.2008 |
| "MODERN PHOTOGRAPHY" | 300970455 | ТСРУИ | 24.10.2008 |
| "KUNDALA PLUS" | 206986038 | ТСРУИ | 08.01.2009 |
| "TEXNIKAL UNIVERSAL EXTRA SERVI" | 301034573 | ТСРУИ | 20.01.2009 |
| "SECURITY CHUR SERVICE" | 301131840 | ТСРУИ | 07.04.2009 |
| "FLY MOBILE GROUP" | 301140624 | ТСРУИ | 13.04.2009 |
| "NAVOIY-SUVGAZ-QURILISH" | 301150485 | ТСРУИ | 20.04.2009 |
| "GULRUH SAVDO SERVIS" | 301158047 | ТСРУИ | 24.04.2009 |
| "TRANS MILANA" ШК | 301171088 | ТСРУИ | 04.05.2009 |
| "DECLARE AND CONSULTING" | 301179353 | ТСРУИ | 11.05.2009 |
| "KAFOLAT SERVIS PLUS" | 301182858 | ТСРУИ | 13.05.2009 |
| "TOXIR RUS PLUS" | 301189554 | ТСРУИ | 18.05.2009 |
| "KOMUS GARANT" | 301195058 | ТСРУИ | 21.05.2009 |
| "PO'LAT NUR QURILISH SERVIS" | 301213674 | ТСРУИ | 08.06.2009 |
| "ODA SERVIS PLUS" | 301213611 | ТСРУИ | 08.06.2009 |
| "FLEKSO-SERVIS" | 207003475 | ТСРУИ | 26.06.2009 |
| "ALYOSHA-PITERSKIY" | 301241854 | ТСРУИ | 29.06.2009 |
| "SHUNLI STAR" | 301253049 | ТСРУИ | 06.07.2009 |
| "UCHTUT BARAKA SAVDO" | 207015594 | ТСРУИ | 28.07.2009 |
| "MEGAMAX-PLAST" | 301307485 | ТСРУИ | 04.09.2009 |
| "KELDIYOR SHER" | 301316388 | ТСРУИ | 14.09.2009 |
| "PANTERA-TRANS PLUS" | 207037045 | ТСРУИ | 22.10.2009 |
| "ATLANT TRADE PLUS" | 207037891 | ТСРУИ | 28.10.2009 |
| "UZ COTTON OIL" | 301360003 | ТСРУИ | 30.10.2009 |
| "KARAVAN FORTUNA" | 301365644 | ТСРУИ | 05.11.2009 |
| "ILONA LUX GOLD" | 301384123 | ТСРУИ | 24.11.2009 |
| "INTOURIST VOYAGE" | 207041818 | ТСРУИ | 02.12.2009 |
| "ROSAVTOGAZ" | 301406520 | ТСРУИ | 17.12.2009 |
| "BERDIEV FOTO SERVIS" | 301406821 | ТСРУИ | 17.12.2009 |
| "ECO JAYHUN" ДП | 301406845 | ТСРУИ | 17.12.2009 |
| "SAYID A'LAMXON TOXUR" | 301422304 | ТСРУИ | 30.12.2009 |
| "MUNIBA-MUHSIN" | 301422264 | ТСРУИ | 30.12.2009 |
| "SLADKOFF-K" | 301422329 | ТСРУИ | 30.12.2009 |
| "JS-DIYOR" | 301425807 | ТСРУИ | 05.01.2010 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари, корхона рўйхатдан ўтган таъсис ҳужжатлари ва рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси бекор қилинади. Корхоналарнинг дебитор ва кредиторлари даъволари 2 ой муддат мобайнида Тошкент ш., Мустақиллик шоҳкўчаси, 122-уй манзилгоҳи бўйича Олти ой ва ундан ортиқ вақт мобайнида фаолият кўрсатмаётган корхоналарнинг фаолиятини тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади.

ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БИЗНЕС ПАНОРАМАСИ

top

237-51-33
237-47-20
237-47-05

ЭНГ ЯХШИСИНИ ТОП!

УЙДАН ЧИҚМАЙ ТУРИБ РЕСТОРАН ТАНЛАНГ

www. restoran.uz

## Рўйхатлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги ПҚ-630-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги "DARK-PRESTIJ-SAVDO" ХК (СТИР 300347699) тугатилмоқда. Мазкур корхонанинг думалоқ муҳр ва бурчак тамғалари, шунингдек Давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар билан Тошкент шаҳар Юнусобод тумани махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади. Тел. 234-10-29.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 19 июлдаги 10-1115/10583-сонли ҳал қилув қарорига асосан Сергели туманидаги "KRASNIY KORDINAL" МЧЖ банкрот деб эълон қилинди. Тугатиш бошқарувчиси этиб Сергели туман ДСИ ходими М.Ахмурзаева тайинланган. Мазкур корхонага тегишли думалоқ муҳр ва бурчак тамғаси бекор қилинади. Кредиторлар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида қуйидаги манзилга мурожаат этишлари мумкин: Тошкент шаҳар, Сергели тумани, 3-мавзе, Янги Сергели кўчаси, 6а-уй, Сергели туман ДСИ биноси, 4/1-хона. Тел.: 257-85-93, 257-74-51.

***

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 6 июлдаги 10-1114/8684-сонли ҳал қилув қарорига асосан Олмазор туманидаги "Poytaxt Trans Servis" МЧЖ ҳамда 10-1114/8683-сонли ҳал қилув қарорига асосан "Joriy Tamir" МЧЖ умумий тартибда банкрот деб топилди ва тугатиш жараёни бошланди. Тугатиш бошқарувчилари этиб Олмазор туман ДСИ ходимлари У.Исроилов ва К.Сайдуллаев тайинланган. Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Ушбу корхоналарга алоқадор шахслар ва корхоналар 1 ой давомида ўз аризалари билан мурожаатларини Тошкент ш., Қорасарой кўчаси, 269-уй, Олмазор туман ДСИ биноси, 111-хонага билдиришлари мумкин.

***

Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги "ҚУРУВЧИ-АД" ХФ бўйича кредиторлар йиғилиши 2011 йил 15 август куни Янгийўл туман ДСИ биносида ўтказилиши тайинланган.

Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 9 августдаги 11-0928/583-сонли ажримига асосан "ҚУРУВЧИ-АД" ХФни банкрот деб эътироф этиш юзасидан очиқ суд мажлиси 2011 йил 19 август соат 10-30 да Тошкент вилояти хўжалик судининг биносида ўтказилади. Тугатиш бошқарувчиси: Янгийўл туман ДСИ инспектори 4 тоифали тугатиш бошқарувчиси И.Каримов тайинланади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда Янгийўл туман ДСИ биносининг 28-хонасида қабул қилинади.

***

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2011 йил 29 июлдаги қарорларига асосан Ҳамза туманидаги тугатиш ишлари бошланган корхоналар**

**РЎЙХАТИ**

| Корхона номи | Қарор рақами |
|---|---|
| "NASRIDDIN QORI" МЧЖ | 10-1115/11700 |
| "HABIBULLA STROY SERVIS" МЧЖ | 10-1115/11699 |
| "MIROBID AZIZ MADAD" ХК | 10-1115/11698 |
| "MIRABBO TEKSTIL" МЧЖ ХС. | 10-1115/11697 |
| "GLOBAL DEALER BIZNESS" МЧЖ | 10-1115/11696 |
| "SHIRAZ RAHSH" МЧЖ ХС. | 10-1115/11706 |
| "KLEO-GUL" ХК | 10-1115/11705 |
| "TASHSELMASH DORADGOR" ШК | 10-1115/11704 |
| "PETROL-DIP-SERVIS" ХК | 10-1115/11703 |
| "ROSAGROS ELMASH" МЧЖ | 10-1115/11702 |
| "ULUG'BEK DILMUROD BIZNES" МЧЖ | 10-1115/11701 |

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак штамплари бекор қилинади. Корхоналарнинг дебитор ва кредиторларининг даъволари 2 ой муддат мобайнида Тошкент ш., Фарғона йўли кўчаси, 21-уй, Ҳамза тумани ҳокимияти биноси, 32-34-хона.

